

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 25-yanvar, shanba № 7 (15749)

Navqiron avlod so'zi

ЎҚУВЧИЛАРИМНИНГ ЮТУҒИ ҲАМ МУКОФОТ

Инсоният яралибдики, ҳар қайси замонда фарзандлар доимо ардоқланиб, авайлаб-асралган. Айниқса, халқимиз болажон, серфарзанд халқ. Ўзбек болам, деб эртаю кеч елиб-югуради, фарзандининг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Давлат мукофоти билан тақдирланганим ҳақидаги хабарни эшитиб қулоқларимга ишонмадим. Чунки орамизда ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, юсак мукофотларга лойиқ жонқуяр инсонлар жуда кўп. Қолаверса, мен бир ёш ўқитувчи сифатида фаолият бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. «Дўстлик» ордени кўксимга тақилаётганда ҳам шу фикрларни хаёлимдан ўтказдим. Шу билан бирга зиммамга катта масъулият юклатилганини ҳис этдим.

Ҳозир Шуманай туманидаги 16-мактабда ўқувчиларга информатика фанидан дарс бераман. Гарчи туманимиз Нукусдан анча узоқ бўлса ҳам, бу ерларга аллақачон замонавий ахборот технологиялари етиб келган. Мактабимизда учта компьютер хонаси бор. Компьютерлар интернет тармоғига уланган. Ўқувчилар улардан бемалол фойдаланиш имкониятига эга.

Ўқувчиларим жуда тиришқоқ, информатикани яхши кўришади. Ҳатто дарсдан бўш вақтлари келиб, турли компьютер дастурлари билан ишлашни ўрганадилар. Яқинда ўзлари кутубхонадаги мавжуд адабиётларнинг электрон рўйхатини тузиш ва каталогини яратишга хизмат қиладиган «Кутубхона» дастурини яратилди.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаяпти. Янгиликлардан беҳабар қолмаслик учун дастурчи дўстларимга мурожаат қилиб, янги билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қиламан.

Ҳозирда шундай янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб туриш учун дастурчиларнинг мулоқат веб-сайти устидан ишляпман. Шунингдек, мактабимизда информатика фанидан ташкил этилган тўғарак раҳбарлик қиляпман.

Шогирдларимдан кўнглим тўқ. Улар компьютер технологияларининг тилини тушунади. Масалан, мактабимизнинг 7-синф ўқувчиси Сабур Казаков ўзи компьютер созлайди, дастурлар яратади. Ўтган йили у Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши хабар ресурслари» танловида иккинчи ўринни эгаллади. Мен ўқувчиларимнинг шундай ютуқларидан беҳад қувонаман. Бу мен учун аъло мукофот.

Рустем УТЕМУРАДОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани 16-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси



Vatan himoyasi — muqaddas burch

АРМИЯ — ҲАЁТ МАКТАБИ

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервигга бўша-тиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, барча мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда бошқармаларида чақирув ишлари қизгин давом этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманда мазкур қарор ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган фуқаролар билан ишлаш жараёнлари ва уларга яратилаётган шароитлар, шунингдек, Қуролли Кучларимиз тизимидаги ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солувчи ҳар қандай ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизга эга бўлдик. Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тизими ҳам такомиллашди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармони

асосан, 2009 йилдан бошлаб фуқаролар йилига бир марта — февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида ўтказилаётган Қуролли Кучларга навбатдаги чақируволди тadbирларида халқ ва армия ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, шунингдек, маданият, санъат, спорт номояндалари, кенг жамоатчилик муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

— 2013 йилнинг август-ноябрь ойларида мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқармаларида чақирилувчиларнинг оилавий шароитини ўрганиш, бирламчи тиббий хулосали текширувдан ўтказиш ишлари амалга оширилди, — дейди Мудофаа вазирлиги масъул ходими, подполковник Назиржон Ниёзматов. — Чақирувнинг ошқоралиги, очиқлиги ва комиссиялар фаолияти устидан самарали жамоатчи-

лик назоратини амалга ошириш учун улар таркибига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бўлими вакиллари киритилди. Ўтган йилнинг октябрь ойидан шу йилнинг 15 январига қадар ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар танлаб олинди. Ҳарбий хизматга чақириладиган ҳар бир ўринга саккиз нафар номзод тўғри келаётгани, армияда хизмат қилишга қизиқиш нақадар юсак эканлигини кўрсатмоқда.

Бугун муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган фуқаролар Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 августдаги «2010 — 2012 йилларда чақирув ва йиғин пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, замон талаблари даражасида таъминланган 14 та йиғин ва 186 чақирув пунктларидан армия хизматида тантанали равишда кузатилмоқда.

Анжуманда Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда мутасадди ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

ЁШЛАР ИШОНЧИГА МУНОСИБ БЎЛГАНЛАР

Шу кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати уставига асосан, Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда барча туман ва шаҳар кенгашларининг VI ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилмоқда. Икки ярим йилда камида бир марта чақириладиган ушбу конференция маҳаллий ва ҳудудий кенгашларнинг олий органи ҳисобланиб, унда ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилинади. Келгусидаги устувор вазифалар белгила- ниб, кенгаш раиси ва унинг ўринбосари ҳамда назорат-тафтиш комиссияси тарки- би сайлаб олинади.

Бу ҳақда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларида бўлиб ўтган VI ҳисобот-сайлов конференциялари ҳамда ҳудудий кенгашларнинг конференцияларини ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган матубот анжуманида атрофлича сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларида яқунланган ҳисобот-сайлов конференцияларининг тенг ҳуқуқлилиқ, муқобиллик ва ошкоралиқ руҳида ўтишини таъминлаш, ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, бу жараёнда кенг жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари вакиллари- ни жалб этган ҳолда 7-16 январь кунлари ҳар бир ҳудудда намунавий ҳисобот-сайловлар ташкил этилди. Кувонарлиси, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари конференциялари- га сайланган делегатлар «Камолот» ЁИХ фаолиятининг истиқболлини аниқ тасаввур қиладиган, ташкилотнинг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшадиган таклифлар бера оладиган фаол ёшлардан шакллантирилди. Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши конференцияларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузиб,

чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, қуйи тизимларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатилиб, тегишли тавсия ва ҳужжатлар намуналари ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди.

— Конференцияларни юқори савияда ўтказиш юзасидан Ҳаракатнинг ҳудудий кенгаш раиси ўринбосарлари ва ташкилий-кадрлар, ахборот таҳлил ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими муди- рлари учун Ҳаракат Марказий Кенгаши қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси ҳам-корлигида уч кун-лик ўқув семинар ташкил этилди, — деди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ўткирбек Шукуров. — Конференциялар кун тартибида кўриладиган асосий масалалардан бири тегишли кенгаш раҳбарини қайта сайлашдан иборат. Шу сабаб вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари лавозимида ишлаб келаётган кадрларнинг ўтган давр мобайнида яхши ишлаганларини эътироф этиб, юқори лавозимларга тавсия



этиш, айримларининг эгаллаб турган лавозимида қолиш-қолмаслик масаласини ҳал этиш ва эгаллаб турган лавозимида қолмайдиганлар ўрнига янги кадр тавсия этиш ишлари олдиндан олиб борилмоқда. Конференцияга сайланган делегатлар таркиби турли соҳа, миллат вакилларидан иборат бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда ўтказилган конференцияларда Ҳаракатнинг амалга оширган ишлари қуйи тизимлар мисолида таҳлил қилиниб, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотлар етакчиларининг масъулияти ва таъсирини ошириш, ёшларда «оммавий мада-

ния» ва ахборот хуружларига қарши кураша оладиган мафкур- равий иммунитетни шакллантириш, таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, коллеж битирувчиларини касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбир-корликка жалб этиш, эрта турмушнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини самарали ташкил этишда кўмаклашиш каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилмоқда.

Анжуман давомида ҳисобот-сайлов конференцияларига оид барча масалалар муҳокама этилиб, журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

Эслатиб ўтамиз, «Камолот» ЁИХ ҳудудий кенгашлари конференцияси олдиндан Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ҳамда таҳририятимиз ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Turkiston» савол беради» лойиҳасига старт берилди. Мазкур лойиҳа жамоатчилик, хусусан, тенгдошларимизни ёшларга оид давлат сиёсатидан кенг хабардор этишга қаратилган. Анжуман доирасида ушбу лойиҳанинг тақдими- ти ҳам бўлиб ўтди. Батафсил маълумотни www.turkiston.uz ва www.kamolot.uz сайтларидан олишингиз мумкин.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

ЖИЗЗАХ. Бугун Фаллаорол туманида яш- ётган аҳолининг юз минг нафарга яқинини ёшлар ташкил этади. Улар тумандаги юзга яқин мактабда, ўн та коллеж ва бит- та академик лицейда ўқийди.

Ҳаракатнинг Фаллаорол тумани кенгаши эришган ютуқлар бевосита ана шу таълим муас- сасаларидаги ёшларнинг интилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Олайлик, Фаллаорол иқтисодиёт коллежининг «Қалқон» жамоаси 2012 йилда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусо- бақасининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган эди. Яна бир мисол, тумандаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Азиз- бек Абдужабборов бокс бўйича Ўзбекистон чем- пиони. Тенгдошларимизнинг бундай ютуқлари- ни кўплаб санаш мумкин. Муҳими, туман ёшлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ўзларига суянч ва таянч деб билишади.

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида қатнашган ёшлар

буни алоҳида таъкидлаб ўтишди. Конферен- ция делегатлари «Камолот» ЁИХ Фаллаорол тумани кенгашининг ўтган икки ярим йиллик иш фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тинглаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, амал- га оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан таклифлар айтишди.

Конференция давомида кун тартибидаги ма- салалар кўриб чиқилгач, амалдаги раис Жав- лон Абдуллаев ўрнига Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгашида фаолият кўрсатиб келаётган Салоҳиддин Алимқулов Фаллаорол тумани кен- гашига раис этиб сайланди.

— Туманда ёшлар кўп. Улар билан ҳамжиҳат бўлиб, орзу-истакларига ҳамоҳанг иш олиб бо- риш биз, «Камолот»чиларнинг асосий вазифа- миздир. Янгича куч, шижоат билан ишлашга, билдирилган ишончни оқлашга ваъда бераман, — дейди Салоҳиддин Алимқулов.

Конференция сўнгида «Камолот» ЁИХ Жиз- зах вилояти кенгашининг навбатдаги конфе- ренциясига делегатлар сайлаб олинди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Ҳисобот-сайлов конференцияси нима?
Конференция икки ярим йилда камида бир марта чақириладиган Ҳаракатнинг ҳудудий ва маҳаллий бўлимларининг олий раҳбар органи ҳисоб- ланади.



КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК — КОНФЕРЕНЦИЯ АСОСИ

БУХОРО. Ҳаракатнинг вилоят кенгаши конференцияолди дастурларини ишлаб чиққани туман ва шаҳар кенгашлари ҳисобот-сайлов конференцияларининг пухта ўтишига хизмат қилаяпти.

Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Когон шаҳри ҳамда Когон, Жондор, Қоровулбозор, Бухоро туманларида ўтган конференциялар шуни кўрсатдики, ҳисобот даврида бажарилган ишлар кўпсонли ёшлар талаби ва эҳтиёжи даражасида амалга оширилган. Спорт, санъат, маданий-маърифий, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, деярли барча ижтимоий соҳалардаги юксалишлар ёшлар манфаати ва келажагига қаратилгани айтиш ҳақиқат. Албатта, бу «Камолот»нинг ёшлар орасидаги ўрни ва салоҳиятини белгилайди.

Ҳаракатнинг туман ва шаҳар

ча ҳал этилмаётганига эътибор қаратилди.

ЎИХМ: ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ ЎЗГАРМОҚДА

2006 йилда Ҳаракатнинг бир нечта туман ва шаҳар кенгашлари қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари ташкил этилган эди. Улар ўз фаолият турларини йилдан-йилга ошириб келмоқда. Шунга қарамадан, баъзи «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказларининг моддий-техник базаси анча эскириб қолгани, тўғарақлар ёшларни қизиқтирадиган бошқа фаолият йўналишлари билан тубдан ўзгартирилиши лозимлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, бу борада талай ишлар бажарилган ҳам. Масалан, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, айрим тўғарақлар бошқалари билан алмаштирилган. «Кувноқлар ва зукколар», «Зако-

фаолияти давомида ёшлар қалбидан муносиб ўрин олган номзодлар эса очиқ овоз бериш йўли билан Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларига раис этиб сайланди. Раисларнинг ёшлар ишончини қай даражада оқлай олишларини эса вақт кўрсатади.

КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ЁШЛАР МИНБАРИГА АЙЛАНМОҚДА

Конференцияларда қатнашаётган туман ва шаҳар ҳокимлари, идора ва ташкилот раҳбарлари ёшларни қизиқтирадиган масалалар юзасидан гаплашиб, муаммо ва камчиликларни бартараф этишда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш, ўғил-қизларни улғу мақсадлар сари етаклаш учун муҳим пойдевор бўлишини таъкидлашди. Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг туман ва шаҳарларида бўлиб ўтаётган конференциялар ёшлар минбарига айланмоқда.

Сурайё Раҳмонова, Шофиркон туманидаги 38-мактаб ўқувчиси:

— Мақсадларим катта. Уларга эришиш учун «Камолот» менга ҳам таянч, ҳам суянч бўлиши керак. Туманимизда бўлиб ўтган конференцияда барча туман ва шаҳар сардорлари ўртасида доимий равишда интеллектуал беллашувлар, баҳс-мунозара клубларини ташкил этиш таклифини билдирдим. Шу орқали биз, ёшлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий билимларимизни ошириб борган бўлардик.

Вазира Содикова, Когон шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти раиси:

— 2013 йилнинг июнь ойидан Ҳаракатнинг Когон шаҳар кенгаши фаолиятини юритиб келаётган ёш ва тажрибали раис Дилшод Ҳакимовнинг саъй-ҳаракатлари билан тизимда ижобий юксалишлар кузатилмоқда. Шу қисқа вақт ичида Ҳаракат фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ҳамкор ташкилотлар ўртасида бир қатор мақсадли лойиҳалар имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур анжуманда номзоднинг илк сайловдаги муваффақияти — Когон шаҳри ёшларининг муваффақияти, деб ўйлайман. Қаерда етакчи фаол ва куйинчак бўлса, ўша ерда силжиш, муваффақият бўлади.

Конференцияларда кўрилган барча масалалар юзасидан якуний қарорлар қабул қилинмоқда.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲАМ — МАСЪУЛИЯТ

Кўргазмада миллий ва замонавий либослар, «Компьютер» тўғараги фаоллари яратган дастурлар, янги лойиҳалар намоиш этилди. Дутор, ғижжак наволари янгради. Конференция кун тартибидеги масалалар юзасидан ҳисоботлар эшитилди. Ҳисобот шунчаки рақам ва ҳавоий гаплардан иборат бўлмай, унда аниқ ишлар, қизиқарли лойиҳалар ҳақида сўз борди. Ҳаракат қошида ташкил этилаётган «Камолот-медиа»нинг тақдироти ўтказилди. Лойиҳанинг туман ёшлари учун ахборот ишлаб чиқарувчи, тарқатувчи марказ бўлиши таъкидланди.

Конференция делегатлари Ҳаракатнинг Тахтакўпир тумани кенгашининг ҳисобот даврида олиб борган ишларига ҳолис баҳо беришди, камчиликларни ўртага ташлашди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар ҳаётида туганган ўрни ҳақида гапиришди.

Конференция давомида Ҳаракатнинг Тахтакўпир туман кенгаши ва назорат тафтиш комиссиясининг янги таркиби, Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди. «Камолот» ЎИХ Тахтакўпир тумани кенгаши раиси этиб Қувват Элмуродов қайта сайланди.

Сайлаш ва сайланиш. Ҳар иккисининг масъулияти катта. Чунки сайланувчи сайловчиларнинг ишончи билан сайланади. Сайловчилар эса сайланувчидан катта мақсадлар, хайрли ишларни кутади.

Биз ҳам Ҳаракатнинг Тахтакўпир тумани кенгаши раиси этиб қайта сайланган Қувват Элмуродовдан шундай ишларни кутиб қоламиз.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

ЯХШИ АНЪАНА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Сурхондарё. Бу йил Сурхондарё вилоятида яхши бир анъана шаклланди. Ҳар бир ҳисобот-сайлов конференциясидан сўнг «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ташкил этилмоқда. Мазкур учрашувда ёшлар ўзларининг қизиқтирган саволлари ва таклифларини туман ҳокимига билдириш имконига эга бўлишмоқда. Учрашув сўнгидеги энг яхши савол ва энг яхши таклиф билдирган ёшлар туман ҳокимининг совғаларини қўлга киритишяпти.

Ангор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежидеги ўтган конференция «Конференция қатнашчиларига алангали салом!» чорлови билан қарнай-сурнайлар садоси остида бошланди. Коллеж фойесидеги тумандаги иқтидорли спортчи, рассом, ҳунарманд ва тадбиркор ёшларнинг кўргазмалари ўрин олган. Мазкур конференция туман ёшларининг яна бир байрамга айланди.

Дастлаб Ҳаракатнинг Ангор тумани кенгаши фаолияти ҳақида хабар берувчи ҳисобот тингланди. Ютуқ ва камчиликлар айтилди. Туман ёшларининг ишончли вакили бўлиб келган делегатларга ҳам осон эмас. Чунки улар овоз бераётган номзод эртага Ҳаракатнинг туман кенгаши фаолиятини намунали ташкил эта оладиган, ёшларни қўллаб-қувватлайдиган бўлиши керак. Шу боис ҳар бир делегат муносиб номзодга овоз берди. Амалдаги раис Бекзод Сувонов энг кўп овоз тўплаб, қайта сайланди.

Конференция кун тартибидеги барча масалалар кўриб чиқилган, якуний қарор қабул қилинди.

— Кўтаринки руҳда ўтган конференцияда Ҳаракатнинг туман кенгаши ўтказган ишлар сарҳисоби билан танишдик. Туманимизда ёшларни спортга жалб этишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Муҳими, ўзим ишонч билдирган номзодим сайланди, — дейди «Ангор Пахта» ОТХЖ бошланғич ташкилоти етакчиси Наргиза Раҳимова.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири



кенгашларида ўтган йилдагиларга нисбатан кенг қўламли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу сабабли конференцияларда ўтган икки ярим йил давомида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар қатори камчиликларга тўхталиб ўтилди. Унда қишлоқ ёшлари турмуш маданиятининг ўсишига тўсқинлик қилаётган айрим масалалар, уларни бартараф этиш чоралари, ишсиз ва иш билан банд бўлмаган ёшлар учун турли кўринишдаги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва санъат соҳаси ривож учун эътиборга муҳтож жиҳатларга эътибор қаратиш, шунингдек, ёшларни оғоҳликка ва ҳушёрликка чорловчи маънавий-маърифий тадбирларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш каби масалалар ўртага ташланди. Айрим муаммоларнинг шу пайтга-

ҚАЙТА ОВОЗ — БУ ИШОНЧ, ИШОНЧ ЭСА МАСЪУЛИЯТ

Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларида ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларида делегатлар ва ҳамкор ташкилотлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Конференцияларда таълим муассасаларидан ташқари, турли ташкилот ва корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ходимлари, тадбиркор ва ишбилармон ёшлар ҳам қатнашиб, «Камолот»нинг ўрни ва салоҳиятини янада оширишга қаратилган турли масалаларни ўртага ташлаб, ўз таклифларини айтишмоқда. Ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ўзининг узоқ йиллик



ПАСПОРТ АЛМАШТИРИШ УЧУН АРИЗА ОНЛАЙН ТАРЗДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИМИ?

Биометрик паспорт олиш учун аризани интернет оркали юбориш мумкинлигини эшитдим. Бу хизматдан фойдаланиш тартиби қандай?

Назира Давронова, Тошкент шахри



Саволга Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ахборот хизматининг жамоатчилиги билан алоқалар бўйича мутахассиси Шухрат Сатторов жавоб беради:

— Чиндан ҳам жорий йилдан бошлаб www.mv.gov.uz — ягона интерактив давлат хизматлари порталида биометрик паспорт олиш учун фуқаролардан онлайн тарзда аризалар қабул қилиш хизмати

йўлга қўйилди. Бу лойиҳа ҳозирча тажриба-синов тарихида фақат Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида амалга оширилмоқда.

Агар сиз Олмазор туманида доимий рўйхатдан ўтган бўлсангиз, фуқаролик паспортини янги биометрик паспортга алмаштириш бўйича навбатга қўйиш ва расмийлаштиришни сўраб он-

лайн тарзда мурожаат қилишингиз мумкин. Бунинг учун дастлаб ягона порталда шaxсий кабинетга эга бўлишингиз, яъни ID.uz ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтишингиз лозим. Тизимга киргач,

порталдаги «Барча хизматлар» рўйхатидан «Фуқаролик» бўлимини, у орқали эса «Фуқаролик паспортини янги биометрик паспортга алмаштириш бўйича навбатга қўйиш ва расмийлаштиришни сўраб онлайн тарзда мурожаат қилиш» хизмат турини танлайсиз. Бу ерда аризининг электрон шаклини тўлдириб, уни туман ИИБ кириш, чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юбориш керак. Қабул қилинган электрон ариза ички ишлар органларининг тегишли ходимлари томонидан кўриб чиқилади. Икки кун муддатда аризачининг қўл телефонига у биометрик маълумотларни тақдим этиш учун ИИБ паспорт бўлимига қачон ва қайси вақтда келиши лозимлиги тўғрисида SMS-хабар келади. Фуқаро паспорт ариза юборилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида биометрик паспортга алмаштирилади.

НОУТБУКНИ КРЕДИТГА ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Кредитга NOTEBOOK олмақчиман. Бунинг учун талабаларга ҳам кредит бериладими?

Илхом, Тошкент тиббиёт академияси талабаси

Саволга «Қишлоққурилиш-банк» ОАТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали, лойиҳавий молиялаштириш бўлими бошлиғи Раҳматилло Фозилов жавоб беради:

— Кундалик турмуш учун зарур ашёлар, асосан, истеъмол кредити расмийлаштирилиши эвазига берилади. Бундай ҳолда талабаларнинг доимий даромад манбаи бўлмаганлиги сабабли, истеъмол кредити талабанин ақян қариндошлари — ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси номига уч йилгача муддатга рас-

миёлаштирилиши мумкин. Ушбу истеъмол кредити расмийлаштириладиган шахснинг иш жойидан охириги ўн икки ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотнома олинди, истеъмол кредитининг сўндирилиши учун ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи манбаи сифатида олинади. Шу билан бирга банкка истеъмол кредити олиш учун мурожаат қилинганда маиший товарлар билан савдо қилувчи дўкандан икки томонлама расмийлаштирилган шартнома тақдим этилиб, шартнома, яъни кредит суммасининг 20



фоизи кредит олувчи томонидан банкка қўйилади.

Кредит маблағлари шартномага асосан нақд пулсиз шаклда кредит олувчининг 20 фоиз аванс тўлови билан биргаликда, дўконга ўтказиб берилади ва кредит олувчи имзолаган истеъмол кредити шартномаси билан тасдиқ-

ланган график асосида ажратилган истеъмол кредитининг асосий суммаси ҳамда ҳисобланган фоизларни ҳар ойда тўлаб боради.

Сизнинг ота ёки онангиз доимий даромадга эга бўлса, турар жойинингизда фаолият юритаётган банк филиаллари-га мурожаат қилиб, истеъмол кредити олишлари мумкин.

Баъзан телевизorda ғайритабиий нарсалар ҳақида кўрсатиб қолишди. Шулари кўрганда, негадир, қор одам ҳақида ўйлаб қоламан. Айниқса, ҳозирги киш-кировли кунларда. Қор одам ростдан ҳам бор одамми?

Ҳабибулла, Жиззах шахридан

Қор одам — бор одам.. ми??

Ер юзида қор одам тушунчасига турлича ёндашув мавжуд. Баъзи мамлакатларда қор одамга ҳурмат билан қаралса, айрим кишиларда унга нисбатан кўркув ва ҳадик бор. Хусусан, Шимолий Америкада қор одамнинг ҳайкаллари бўлиб, уни янги йил арафасида уларнинг томига ўрнатишади. Уларнинг фикрича, бу одамларда янги йил кайфиятини уйғотади. Шимолий Америкада қор одамнинг кўриниши ўзимиздаги болалар бурнига сабази жойлаб, бошига челақ кийдириб ясайдиган қорболарни эслатади. Бу удум мана бир неча асрлардан буён Шимолий Америка мамлакатларида ўтказиб келинади.

Бироқ бошқа мамлакатлар аҳолиси қор одамга нисбатан бундай муносабатда эмас. Сабаби, уларда бундай одамларга нисбатан кўркув мавжуд. Улар ҳақида турли афсоналар учрайди. Лекин улар ростдан ҳам бўлганми, деган саволга олимлар йўқ дейишса-да, унга тўқнаш келганлар бу фикрни кескин инкор қилишади. Масалан, қор одамларни ўз кўзи билан кўрган альпинистлар бор. Тоғма-тоғ юрайдиган кишиларнинг гапини



ёлғон дейиш учун етарли асос бўлиши керак. Улар ўзлари тўқиб, бир нима дейишмас керак, ҳарқалай.

Қор одам ҳақида савол қутилмаган бўлди, дейиш қийин. Бу савол кўпчиликни қизиқтиради. Савол баҳонасида қор одам тўғрисида қарерда нима ёзилган бўлса, топганимизча ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Очиги, уларни тасдиқлашга ҳам, рад қилишга ҳам иккилангани одам. Масалан, бир манбада айтилишича, машҳур Жамолунгма чўққисида уларнинг қабри топилган. Айтишларича, уларнинг бўйи уч метрдан ошади, танаси қалин юнг билан қопланган, тишлари сўйлоқ бўлармиш. 1951 йили Ҳимолой тоғида 31х16 сантиметр катталиқдаги оёқ излари топилган ва маълум бўлишича, бу одамники бўлган. Уни Буюк Британиялик альпинист Эрик Шиптон суратга олган эди. Бу ўз навбатида олимларни улар устида тадқиқот ўтказишга ундади. 1967 йилда Эверест сари йўл олган махсус олимлар ва альпинистлар тоғнинг баланд жойларида кенаси одамларнинг кўрқинчли қиқирларини эшитдилар. Шунингдек, тунда альпинистларнинг оқватларини ҳам номаълум кимсалар ўғирлаб кетади. Сунгра уни шу яқин-атрофдаги кишлоқ одамларидан суриштирилганларида, бу ҳақиқатан ҳам одам экани, уни Йети деб аташларини айтишган. Улар яна Йетини қўллари узун, бўйни қалта, қора юзли, танасини юнг қоплаган ва узун жағли, ўзи дарахтларда кун кечиради, деб таърифлаганлар. Унинг олмани хуш кўриши ҳақида эшитганда, э, у қор одам эмас, балки оддий одамдир, деб ҳам ўйлайсан, киши. Негаки, бу мавзои ёмон кўрайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Уни отдан ҳам тез чопайди, дейишгани ҳам аслида ғайритабиий эмас. Ахир, оддий одамлар орасида ҳам соатиға 45-50 километр тезликда югура оладиган, унча-мунча отни қувиб етадиганлар топилади-да. Бироқ, қанча миш-миш гапга ўхшамасин, у ҳақда шунча маълумот айтишибдими, унинг мавжуд эканига ишонсини келади одамнинг. Афсуски, қизиқувчан изланувчилар ҳарчанд уринмасин, қор одамнинг изидан бўлак ҳеч вақо топа олишмаган.

Бугун мабодо, қидирув сайтлариға «қор одам» деб ёзсангиз, бир қанча фотосурат чиқиб келади. Уларнинг айримларини қизиқувчан кишилар «ясашганини» шундоқ пайқаса бўлади. Лекин чиндан ҳам қор одам шу бўлса керак, деб ўйлашга мажбур қиладиган «ҳақиқий» суратлар ҳам йўқ эмас. Наҳотки, қор одам бўлса, наҳотки, у бир кун олдимиздан чиқиб қолади, деб ўйлайдиганлар учун айтмайми: мутахассислар бу суратларнинг қалбаки эканини аллақачон аниқлаганлар, ҳу-у 2002 йилда. Шундай бўлса-да, унинг ўзи ростдан ҳам борми ёки шунчаки афсона экани борасидаги жумбоқ ҳали тўлиқ ечилган эмас.

НЕЧТА ЁШ ПЕДАГОГ ИШГА ЖОЙЛАШДИ?

Оммавий ахборот воситаларида педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларини тамомлаётган битирувчилар ишга жойлаштириладигани ҳақида тез-тез гапирилади. Қизик, жорий ўқув йилида ёш педагогларнинг қанчаси ишга қабул қилинди?

Санжар, Олтинсой туманидан

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизматининг маълумотиға кўра, бугунги кунда тизимда 410 минг нафардан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида олий маълумотли педагоглар сафи йил сайин кенгайтириляпти. Масалан, агар 2006-2007 ўқув йилида мактабларда дарс берган ўқитувчиларнинг 68,5 фоизи олий маълумотга эга бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 73,7 фоизга етди.

Ёш педагог кадрларни иш билан таъминлаш, уларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш масаласи ҳам вазирликнинг доимий диққат-эътиборида. Жумладан, 2004 йилда педагогика ва касбий таълим йўналиши бўйича олий таълим муассасаларини тамомлаган 2945 нафар ёш мутахассис турли ҳудудларда профессионал фаолиятини бошлаган эди. 2013-2014 ўқув йилида эса жами 8068 нафар битирувчи мактабларга ишга қабул қилинди.

ЎҚИШИМНИ КЎЧИРМОҚЧИМАН...

Касб-хунар коллеждан академик лицейга ёки лицейдан коллежга, коллеждан коллежга қай тартибда ўқишни кўчириш мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Дониёр Махмашуқуров, Яқкабоғ тумани, коллеж ўқувчиси

Қолган ҳолатларда академик лицей ёки касб-хунар коллежи директори томонидан аризалар расмий хат билан ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига кўриб чиқиш учун юборилади.

Худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси амалдаги таснифлагичга мувофиқ бир билим соҳаси доирасидаги аризаларни кўриб чиқади ва ҳулосани тегишли таълим муассасаси ва фуқароларга юборади.

Қолган ҳолатларда худудий бошқарма аризаларни кўриб чиқиш учун 1 августга қадар Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказига юборади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази тақдим этилган аризаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳулосалари асосида жавоб хатларини худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларига юборади.

Шунингдек, низомига асосан ўқувчилар ўқишини бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан бошқасига кўчиришда ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармасига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши белгиланган:

- а) ўқувчининг ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси;
- б) таълим муассасасининг номи, мутахассислик, курс, гуруҳ кўрсатилган ҳолда таълим муассасасининг гербли мўҳри билан тасдиқланган рейтинг дафтари нусхаси;
- в) ўқувчи паспорти нусхаси, вояга етмагани сабабли паспорти бўлмаганда туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) доимий яшаш жойи кўрсатилган паспорти нусхаси.
- Уқув йили якунида ўқувчи ўқиган таълим муассасасидан бошқа ҳар қандай таълим муассасаси (Харбий академик лицей бундан мустасно)ға ўқишни кўчириш бўйича ариза ёзилиши мумкин.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультетиға ҳужжат топширмоқчиман. Бу йил, эшитишимга қараганда, кириш имтиҳонларининг тўртинчи блокиға тўртинчи фан қўшилди эмниш. Шу ҳақда маълумот беринг, илтимос.

Фариза АВЕЗОВА, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИГА 4-БЛОК ҚЎШИЛАДИМИ?

Саволга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Барно РАҲАБОВ жавоб беради:

— 2013 йил фақат Тошкент уни-верситетиға кириш имтиҳонларининг тўртинчи блокиға инглиз тили фани қўшилди. Айни пайтда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бораёмиш. Келгусида ушбу қарор бўйича тест имтиҳонлариға тўртинчи фан ҳам қўшилиши режалаштирилмоқда.



ЯНГИ ТЕЛЕВИЗОР БУЗИЛИБ ҚОЛСА...



Яқинда телевизор сотиб олган эдим. Бир йилға кафолат беришганди, лекин телевизор бир ойға етмай, бузилиб қолди. Дўконға қайтариб олиб борсам, уни на тўзатиб, на алмаштириб беришди. «Запчасти»ини топиш қийин, дейишди. Кимға мурожаат қилсам бўлади?

Маъруфа, Нуробод туманидан

Саволга Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Азимов жавоб беради:

— Юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқий норматив база яратилган бўлиб, бу фуқаролар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олинганда харидорға сотувчи албатта маълум муддатға кафолат хати беради. Белгиланган муддат орасида сотиб олинган товарда носозликлар аниқланса, албатта, уни тўзатиш, янгисига алмаштириш ёки пулини қайтариб беришга кафолат берилади.

Сизнинг ҳолатингизда телевизор сотилган дўконда эҳтиёт қисмлар бўлиши керак. Агар эҳтиёт қисмлар бўлмаса, харидор бошқа телевизорға алмаштириб беришни талаб қилиши мумкин. Шунингдек, сотувчи бошқақа румсумдаги телевизор таклиф этиши, хоҳишиға қараб харидор товар нарҳидаги фарқни тўлаб, алмаштириб олса ҳам бўлади. Агар алмаштириб бериш имкони ҳам бўлмаган тақдирда харидор талабига биноан товарнинг сотиб олинган пули қайтариб берилиши лозим.

Ўзбекистон футбол терма жамоаси жаҳон чемпионатиға чиқолмаганда, роса хафта бўлгандим. Аммо яқинда юртдошимиз Равшан Эрматовнинг жаҳон чемпионати финалида ҳакамлик қилишини эшитиб қолдим, шу ростми?

Жўрабек, Пастарғом туманидан



ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БРАЗИЛИЯГА БОРИШАДИМИ?

Рост. ФИФА шу йил Бразилияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этадиган ҳакамлар номини эълон қилди. Улар орасида ҳамюртимиз, Осиёнинг тўрт қарра энг яхши ҳақами деб топилган Равшан Эрматов ҳам бор. Лекин сиз айтгандек, жаҳон чемпионатининг финалини бошқариш масаласи ҳали ҳал этилмаган. Тўғри, Равшан Эрматов ва унинг йиғирма тўрт нафар ҳамкасби жаҳон чемпионатида бош ҳакамлик қилиши қутулмоқда. Сиз финал босқичини финал деб тушулгансиз. Лекин умид қиламизки, юртдошимизға сиз айтгандек, финал ўйинини ҳам бошқариш насиб этади.

■ Davlat mukofoti sovrindorlari ■

ЭЗГУЛИККА ОШНО ЮРАК

Касбига содиқ, фидойи кишиларни кўрганамизда, уларга ўхшашни ҳавас қиламиз. Уларнинг жонкуярлиги, доим эл-юрт гамида бор куч-гайратини аямаслиги, Ватанамиз равнақи йўлидаги хизматларига қараб, улардан ўрнак олишга интиламиз. Шу тоифа кишиларнинг биз билан бақамти, елкама-елка туриб ишлаши бизни ҳам самарали меҳнат қилишга ундайди. Шу боис ҳам бундай инсонларга мудом муваффақиятлар ҳамроҳ, халқ ишончи, эътибори ҳамроҳ бўлади.

Акмалхўжа Абдурахмонов биз юқорида таърифни келтирган, фидойи инсонлардан. Унинг умр йўлига назар солган киши шурида ҳаёт йўлини маънавият машъаласи билан ёритиб бораётган маърифатли инсон қиёфаси намён бўлади.

Акмалхўжа аканинг ёшлиги Қашқадарё вилоятининг Фузур туманида кечган. Илмга чанқоқ йигит меҳнат фаолиятини шу тумандаги марказий кутубхонада бошлади. У кун бўйи китобхонларга зарур адабиётларни топиб беришдан, бўш вақтида ўзи ҳам мутолаа қилишдан сира чарчамас, ўқув залини гавжум қилган китобхонларга қараб хурсанд бўларди. Чунки китобни севган инсондан асло ёмонлик чиқмаслигига астойдил ишонарди.

Кишининг табиати қизиқ-да: доим янгиликларга интилади, билгани сари билгиси, ўргангани сайин кўпроқ ўргангиси келади. Балки шу табиий омил сабабдир, кутубхонада ишлаш ҳар қанча мароқли, серзавқ бўлмасин, Акмалхўжа аканинг кўнглидаги мақсадлар китоб жавонларидан анча баланд эди. У университетда ўқишни, жамиятда шахс сифатида ўз ўрнини топишни истарди. Нияти ушалиши учун интилди ва бунинг самарасини кўрди. Илмга ташна йигит Қарши давлат университетига ўқишга кирди.

Университетни тугатгач, Акмалхўжа ака масъулияти улуг, шарафли ишга бел боғлади. Фузур туманидаги 19-мактабда она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади. Адабиётга меҳр қўйиб улғайган йигит ўқувчиларга таълим беришда сира қийинлик сезмасди. Қайтанга ёшлар унинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ тутиб, жон-дили билан тингларди.

Ўтган йилларда Акмалхўжа Абдурахмонов аввал Фузур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси, сўнгра туман ҳокимлиги қошидаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази масъул ходими вазифаларида самарали меҳнат қилди. 2007

йилдан буён у Республика Маънавият тарғибот марказининг Қашқадарё вилояти Фузур тумани бўлими раҳбари вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

— Бугун дунёнинг айрим давлатларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни, талотўпларни кузатиб, бир фикрга қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим: қаерда маънавиятга эътибор сусайса, ўша жойда турли бузғунчи ғоялар, жамият ривожига зид қарашлар макон топади. Ёшларнинг ҳаёлини меҳнатдан завқланиш ўрнига танбаллик, энгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб яшаш фикри банд этади, — дейди А.Абдурахмонов. — Шукри, юртимизда ёшлар бундай иллатлардан холи бўлиб камол топиши учун маънавиятга қаратилаётган эътиборга ҳаммининг ҳаваси келади. Менимча, дунёнинг бирор давлатида маънавиятга эътибор биздаги каби юксак мавқега кўтарилмаган. Бу ҳам бизнинг бахтимиз, ўсаётган фарзандларимизнинг ёрқин истиқболдир.

Кишиларга маънавият улашаётган инсонни теварак-атрофни ёритган маёққа ўхшатилади. Бу бежиз эмас, албатта. Кўпинча бирор хатога қўл урган одам қилмишининг оқибатини яхши билмаган бўлади. Баъзилар тўғри, деб ўйлаб нотўғри йўлга қадам босади. Буни тушуниш, оқ-қорани фарқлаш, аввало, ҳар инсоннинг ўз вазифаси, бироқ бунга ақли етмаса, уларга тўғри йўл кўрсатиш масъулияти жамиятнинг, хусусан, маънавият вакилларининг зиммасига тушади. Акмалхўжа ака бунинг яхши билди. Шу боис ҳар доим ёшлар тафаккурини маънавият ёғдуси билан мунавар эттишга интилади.

Акмалхўжа ака чин маънодаги маънавият тарғиботчиси. У нафақат яхши сўз билан, балки юксак ахлоқий руҳ синган битиклари билан ҳам маънавият ихлосмандларига яхши таниш. Унинг «Илҳом азоби», «Боқий сўз мулкида», «Мольберт кўзлари», «Ой тўлган тунда», «Таважжуҳ они», «Юксак маънавиятнинг энгилмас қуроли», «Жаннати аёллар»



сингари китоблари ўқувчиларини топган.

Ўтган йили Акмалхўжа ака ҳаётида унутилмас икки воқеа юз берди: биринчиси — у «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси — 2013» кўрик-танловида голиб бўлди. Иккинчи эсдан чиқмайдиган янгилик шуки, А.Абдурахмонов мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонида биноан «Шухрат» медали билан тақдирланди.

— Бу — юксак мукофот. Унда халқимизнинг, Президентимизнинг биз, маънавият ходимларига юксак ишончи, эътибори мужассам. Шу боис уни кўксимга таққанимда юрагимдан кечган туйғуларни сўз билан ифода-лаб беролмайман. Тарихдан маълумки, қайси давлатда маънавиятга эътибор кучли бўлса, ўша жойда давлатчилик пойдевори мустаҳкам, ёшлар баркамол, ҳар қандай хавф-хатардан холи бўлган. Шу маънода, бугун юртимиздаги тараққиётни кўриб-кузатган инсон эришаётган муваффақиятларимиз замирида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган юксак инсонпарварлик сиёсати, маънавият устуворлиги мустаҳкам қарор топганини пайқайди, — дейди Акмалхўжа ака.

Биз сўз юритган, умр йўлига нигоҳ ташлаган бу инсоннинг фазилатлари, ютуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Яхшиси, Фузур тарафларга йўлингиз тушса, Акмалхўжа аканинг сўхбатини олинг, шунда ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» муҳбири

■ Dildagi so'z ■

— Ота-онамнинг «Сен яхши ўқиб, билим ол, Иккинчи жаҳон уруши даврида биз мактаб нималигини билмасдик, болам», деган насиҳатлари ҳамон ёдимда, — дейди олий тоифали ўқитувчи Раҳмат Бегаев. — Мендан инсон учун олий фазилат нима, деб сўрашса, «Ҳаётдан мазмун излаб яшаш», деб жавоб бераман...

ЭЛДА ҚАДР ТОПДИМ

Мактабда фақат «4» баҳо олардим. Аълочи синфдошларимдан ортада қолишдан уялиб, кўпроқ китоб ўқишга ҳаракат қилганман. Мана, вақти келиб орзуимга эришдим. Мактабни тамомлаб, ҳарбий хизматга бордим. Сўнг Самарқанд педагогика институтининг педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетига ўқидим. Дастлабки иш фаолиятимни Нурота туманидаги 24-мактабда бошлаганман. 1996 йилдан буён Арнасой туманидаги 11-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб келяпман.

Охири йилларда мактабимизда катта ўзгаришлар қилинди: замонавий спорт зали барпо этилди, ўқув-лаборатория хоналари, компьютер синфи янги ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Ўқитувчиларга илғор педтехнологиялар асосида дарс ўтиш уларнинг билим салоҳиятини янада оширади. Пифограмма, оғзаки ва ёзма тестлар, ақлий ҳужум ва бошқа ноанъанавий усуллардан педагогик фаолиятимда тез-тез фойдаланаман. Айни вақтда «устоз-шогирд» аънанаси асосида туманимиздаги ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиб, касб маҳоратини ўргатиб келяпман. Меҳнатларим муносиб қадрланиб, менга «олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси» малака тоифаси берилди.

Ўқитувчилик касбига қирқ йил умримни бағишлаб, эл орасида қадр-эътибор топдим. Бунинг учун устозларимдан миннатдорман.

Бугун юртимизда ўқиб, камол топаётган ёш авлод вакиллари биздан кўра бахтли. Уларнинг замонавий билим олишлари, чет тилларни мукамал ўрганишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ишонаманки, келгусида улар Алишер Навоий, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек боболаримиздек юксак билим эгалари, Нодира ва Увайсийдек улуг ижодкорлар бўлиб, она Ватанамиз шон-шавкати жаҳонга танитадилар. Ана шундай эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишида биз, педагогларнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан фахрланаман.

Устознинг сўзларини Намоз ҚАРШИЕВ
ёзиб олди

■ «Kamolot» loyihalari ■

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Хоразм вилоятида «Ҳарбийлар беллашганда» кўрик-танлови якунланди. Лойиҳа «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан амалга оширилиб, унда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсиянома асосида ўқишга қабул қилинган 550 нафардан зиёд талаба қатнашди.

Беллашувнинг финал босқичида Урганч давлат университетининг «Ал-Хоразмий ворислари», Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг «Қалқон» ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг «Бургутлар» жамоалари ўзаро куч синашди. Эслатиб ўтамиз, айни кунда ушбу таълим муассасаларида тавсиянома асосида ўқишга қабул қилинган жами 949 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Танлов иштирокчилари учта шарт бўйича беллашдилар. Бу шартларда йигитлар ўз жамоасини бадийий-музикий тарзда таништиришди, қўл жанги бўйича маҳоратларини намён этишиб, «Бизким, ўзбеклар» мавзусидаги сахна кўриши орқали миллий урф-одатлар, ҳарбийларимиз ҳаёти ва буюк аждодларимиз сиймосини гавдалантирдилар.

Танловда «Ал-Хоразмий ворислари» жамоаси голиб бўлди.

Шахло САФАШЕВА,
«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши
матбуот хизматининг етакчи мутахассиси

■ Kela jakka qadam ■

Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисмларда касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирокида «Очиқ эшиклар» куни ташкил этилди.

АСКАРЛИК ОРЗУСИДАГИ ЁШЛАР

«Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни соҳада олиб борилаётган ислохотлар билан кенгроқ таништириш мақсадида ўтказилди.

Ҳарбий оркестр мусиқаси билан бошланган тадбирда ўқувчи-ёшларга соҳадаги ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, ёшлар аскарлар ётоқхонаси ва яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

— Тадбир давомида ҳарбий вертолёт ва самолётларнинг техник имкониятлари ҳақида билиб олдик. Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз ҳамда минтақамизда тинчликни сақлашда тутган ўрни тўғрисида кенг маълумотга эга бўлдик, — дейди Қарши саноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Юнус Шербоев.

Тадбир сўнггида ўқувчи-ёшларга ҳарбий қисмларнинг жанговар-ўқув машғулоти акс эттирилган видеофильм номойиш этилди.

Маҳлиё ШУКУРОВА,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши бўлим мудир

■ *Qonun ustuvorligi* ■

ҚАЛБАКИ ДАЛОЛАТНОМА ИЗИДАН

Қалбаки далолатнома расмийлаштирилган электр таъминоти идораси истеъмољчининг маънавий зарарини қоплади. Бу ҳолат, эҳтимол, сизга ҳам танишдир. Айниқса, ҳозирги қиш-қировли кунларда. Электр энергиясига бўлган талаб икки ҳисса ортган, уйингиздаги электр ҳисоблагич асбоб тинимсиз «югургани-югурган». Айланавериб чарчамадингми, деб қўясиз жилмайиб...

Қамаши туманидаги Қоратепа ҚФЙга қарашли Кичик Дўстберди қишлоғида яшовчи Нарзулло Эшқувватов хонадонида ҳам шундай. Бошқа хонадонлар каби бу ерда ҳам электр энергиясидан кўп фойдаланилади. Бироқ Нарзулло ака бошқа, айрим фуқаролар каби электр энергиясидан фойдаланиб-фойдаланиб, қарзга ботиб юрмасдан, унинг ҳақини ўз вақтида тўлаб боришни канда қилмайди. Лекин нимагадир, хонадонига келган назоратчилар унинг бўйнига катта миқдордаги қарзни «илдириб» кетишди. Н.Эшқувватов ҳайрон, ишлатган электр энергия ҳақини ойма-ой тўласа, бу қилганлари нимаси?

Воқеа эса мана бундай бўлган эди. У Қашқадарё вилояти истеъмољчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига ариза билан мурожаат қилиб, электр энергияси сарфи учун тўловларни ўз вақтида тўлаб келганлиги, хусусан, 2011 йилнинг 10 август кунига қадар тўловлардан қарзи бўлмаганини, бироқ Қамаши туман электр тармоқлари корхонаси шу кун 15 КШ 008638-сонли далолатнома ёзиб, хонадонини

740361 сўм қарздор қилиб қўйганлигини ва қарздорлик кейинги тўловларидан ушлаб қолинаётганлигини билдирган.

Н.Эшқувватовнинг мурожаатини ҳудудий бирлашма ходимлари ўрганишганда, унинг хонадонига эски типдаги СО 2М 5А индукцион электр ҳисоблагич ўрнатилгани, давлат рақамли тамғалари жойида экани, бу ҳақда 2011 йилнинг 10 август кун Ҳамаши туман электр тармоқлари корхонаси томонидан расмийлаштирилган 15 КШ 008638-сонли далолатномада ҳам қайд этилгани аниқланган. Бироқ истеъмољчи Н.Эшқувватов 2012 йилнинг 24 январиде хонадонига ўрнатилган эски типдаги ҳисоблагични янги пластикли ҳисоблагичга алмаштириб беришларини сўраб мурожаат этганида, Қамаши туман электр тармоқлари корхонаси далолатномага асосан қўлланилган жаримани тўламаса, янги ҳисоблагич ўрнатиб берилмаслигини маълум қилиб, аризасини эътиборсиз қолдирган. Энг қизиғи, Н.Эшқувватов Қамаши ТЭТКга мурожаат этишидан бор-йўғи олти кун олдин, яъни 2012 йилнинг 18 январиде электр таъминоти идораси ходимлари Нуриддин Алиқулов, Зокир Мейлиев ва назоратчи Зулфиқор Арзиев истеъмољчи хонадонига янги типдаги электрон ҳисоблагич ўрнатилгани ва эски ҳисоблагични алмаштиришдан олдин рақамли муҳри жойида эканлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган. Аммо далолатнома расмийлаштирилганига қарамастан, сарф этилган электр энергияси ҳисобкитоблари эски индукцион ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича олиб борилган ва истеъмољчига қайта 740361 сўм жарима ҳисобланиб, компьютер базасига киритилган.

Ўрганишлар жараёнида Н.Эшқувватовнинг хонадонига 740361 сўм жарима қўллаш тўғрисида расмийлаштирилган далолатнома қонунга зид тарзда, қалбаки равишда расмийлаштирилгани аниқланди. Бу ҳақда назоратчи Т.Музропов далолатнома расмийлаштирилганидан хабари йўқлиги, у қалбаки тарзда тузилганини билдириб, тушунтириш хати ёзган.

Вилоят истеъмољчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси фуқаро Н.Эшқувватов хонадонига



ҳисобланган 740361 сўм қарздорликнинг келиб чиқшини асословчи далолатнома қалбаки ва ноқонуний бўлганлиги сабабли уни истеъмољчи ҳисобига ҳал этиш, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Ҳузур туманлараро судига даъво аризасини киритди.

Суд даъво аризасини қаноатлантириб, истеъмољчи Н.Эшқувватов фойдасига «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ва Қамаши туман электр таъминоти корхонаси ҳисобидан 740361 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Шунингдек, суд мажлисида фуқаро Н.Эшқувватов ўз ҳуқуқларини тиклаш учун маънавий зиён кўрганлигига ҳам эътибор қаратилди. Яъни электр таъминоти идораси ҳисобидан унга етказилган маънавий зарар учун 300000 сўм ундириш лозим топилди.

Илҳом АБДУРАҲИМОВ, Қашқадарё вилояти истеъмољчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳуқуқий ҳимоя сектори бошлиғи

Ҳимоя сектори бошлиғи



Қимматбаҳо тош

Жанубий Африка Республикасидан топилган олмосга энг қиммат нарх белгиланди.

Йигирма миллион АҚШ доллари қийматида баҳоланаётган олмос аукционда сотилиши маълум қилинди. Тошни «Petra Diamonds» олмос қидирувчилари Претория шаҳри яқинидан топишган. Маъданинг оғирлиги 29,6 карат. Оч ҳаворанг тусли бу тош ёнғоқ шаклида. Мамлакатда қимматбаҳо тошлар тез-тез топилиб туради. Охири марта йирик — 25,5 каратли тош ўтган йили топилган бўлиб, у 16,9 миллион АҚШ долларига сотилган эди.

Натижалар яхши эмас

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол клуби Европанинг энг сердаромад клублари учлигидан чиқиб кетди.

Бунга жамоанинг муваффақиятсиз ўйинлари сабаб бўлди. Кучли учликдан эндиликда Испаниянинг «Реал Мадрид», «Барселона» ва Германиянинг «Бавария» клублари ўрин эгаллади. Ўтган мавсум давомида «Манчестер Юнайтед» 396 миллион маблағини 424 миллион еврога кўтарган. Бироқ бу кучли учликка кириш учун етарли бўлмади. «Реал Мадрид» 6 миллион даромад билан 519 миллион евро ишлаган бўлса, «Барселона»нинг бюджети 483 миллион билан ўзгармаган. «Бавария» эса 63 миллион евро ишлади ва бюджети — 431 миллион еврога етди. Шунингдек, рейтинги яхшиланган клублар қаторида «Ювентус», «Пари Сен-Жермен» ва «Манчестер Сити» бўлса, рейтингда бир мунча пастлаган клублар «Челси», «Милан» ва «Арсенал» бўлди.

Фавқулодда қарор

Таиланд ҳукумати кўчаларда одамларнинг гуруҳ бўлиб юришида уларнинг сони беш кишидан ошмаслиги тўғрисида қарор чиқарди.

Ҳукумат раҳбари Йинглак Чинават қарорнинг маҳаллий аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чиқарилганлигини таъкидлади. Шунингдек, қарорда журналистларнинг икки хил маълумот тарқатиши ҳам тақиқланган. Намойиш Бангкокда кузатилган бўлса-да, қарор мамлакатнинг барча провинцияларида амал қилади. Мамлакатдаги фавқулодда вазият кўп соҳаларни издан чиқарган. Бу ҳатто оммавий ахборот воситаларига ҳам таъсир ўтказди. Таиланддаги намоийш вақтида қуролли тўқнашувлар ҳам бўлган.

Парол танлашда эҳтиёт бўлинг!

Тадқиқотчилар энг ишончсиз пароллар рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхат интернет хакерлари томонидан бузилган сайтлар, блоглар, ижтимоий тармоқ саҳифаларидаги пароллар ёрдамида тузилди.

Ўтган йилда энг кўп қўлланилган парол «123456» бўлди. Иккинчи ўриндан эса «Password» (парол) сўзи ўрин эгаллади. Рўйхатни давом эттирарканмиз, унда «abs123», «12345678»ни учратамиз. Шунингдек, ишончсиз пароллар рўйхатида «бахт», «омад», «соя» сўзлари ҳам учрайди. Мутахассислар паролларни тез-тез алмаштириб туришни, рақамлар ва ҳарфлардан кенг фойдаланишни маслаҳат бердилар.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

*Алп қоматли, қўрқмас, жасур ўғлонлар
Борлигичун юртим осмони тиниқ.
Кўксин қалқон қилар душманга, ёвга,
Уларнинг кўксига юрт ишқи ёниқ.*

*Кўриқлар Ватанинг сарҳадларини,
Доим сергак турар тўртта томонда.
Омон бўлсин, омон, шу эркин замон,
Омон бўлсин, мард ва мағрур посбонлар.*

* * *

*Боғларинг кўркамдир, гўзал масканим,
Баҳоринг оромбахш, азиз туюлар.
Меҳринг юрагимга нур сочар доим,
Истиқбол, истиқлол фаҳрингдир ўлкам.*

*Янги асрларга шаҳд қадам ташлаб,
Сенга талпинаман, буюк Ватаним.
Сенга садоқатли, эркесвар фарзанд
Бўлмоқлик матлабим, суюк Ватаним.*

Yoshlik ilhomi

ҚОШИ КАМОН ҚИЗ

*Умидли юрагинг ғамга тўлмасин,
Очилган муҳаббат гули сўлмасин,
Севгинг унутолмай қийналасан жим,
Туйғулари лобар, қоши камон қиз.*

*Қалбинга ўзга ёр истамадинг сен,
Ишқингда не қалблар ёнди-ку беиз.
Севгинг унутолмай қийналасан жим,
Орзулари осмон, ёши уммон қиз.*

*Не учун кўзимга ғамгин боқасан,
Юрагимда сеvgи ўтин ёқасан.
Келинлик либосин киймоқдасан жим,
Муҳаббат боғида очилган, гулим.*

*Севгилим, сенга бахт тилаб қоларман,
Қанийди ишқингда ягона бўлсам.
Тунларни тунларга улаб қоларман,
Қанийди ғамларга бегона бўлсам.*

Баҳром ҚАМБАРОВ



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Футбол ўйнашнинг, футбол ҳақида ўйлашнинг қотираман, деган, юрагида ўти бор мухлислар учун зўр имконият!
«Turkiston» газетаси спорт билимдонлари учун янги —

«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФУТБОЛ»

ТАНЛОВ-ВИКТОРИНАСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Викторинада иштирок этиш жуда осон! Сиз газетамизда эълон қилинадиган Ўзбекистон ва жаҳон футболга оид саволларга ўз вақтида тўғри жавобларни йўллаб борсангиз, кифоя.
Танлов шу йилнинг **30 июнигача** давом этади. Унда энг кўп очко тўплаган уч нафар мухлис Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финали олдидан тақдирланади.
Танловда **30 ёшгача** бўлган мухлис ва мухлисалар қатнашишлари мумкин.

5-савол:

Қуйидаги футбол юлдузларидан қайсиларига жаҳон чемпиони бўлиш насиб этмаган?

- А) Рикарду Кака ва Гига
Б) Иохан Кройфф ва Лионел Месси
В) Гарринча ва Марсел Десайи

Жавобингизни intellekt_sport@mail.ru электрон манзилига савол эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ва телефон рақамингиз билан бирга жўнатишингиз лозим.



Гиламда ёш полвонлар

Айни кунларда Тошкентда ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтмоқда.

1997-1998 йилларда туғилган ёш спортчилар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Комил Фатхуллин соврини учун куч синамоқда. Мусобақада юртдошларимиздан ташқари, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган ёш спортчилар иштирок этапти.

Тенгдошларимиз қитъа чемпионатида

Таиландда ўтказилаётган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

1996-1997 йилларда туғилган спортчилар қатнашаётган турнирда юртимиз шарафини Бекзодбек Турсунбоев (49 килограмм), Абдулхай Шораҳматов (52 килограмм), Иқболжон Холдорев (56 килограмм), Фазлиддин Мелибоев (60 килограмм), Махмуд Фоипов (64 килограмм), Бектемир Мелиқўзиев (69 килограмм), Козимбек Мардонов (75 килограмм), Азиз Шукуров (81 килограмм), Асилбек Солиев (91 килограмм) ва Шохрухбек Эркинов (91 килограммдан юқори) каби спортчиларимиз ҳимоя қилишмоқда. Бош мураббий Марат Курбонов. Шунингдек, Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Раҳматхон Тиллаев ҳакамлик қиляпти.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

ТАРБИЯМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

«*Ҳеч қачон ёши катта одамнинг йўлини кесиб ўтма, агар бир-икки қадам узоқда келаётган бўлса, кутиб тур, салом бериб, кейин ўт*» — шундай дея сабоқ берган эди илк устозимиз, биринчи синфга борган чоғларимизда. Ёзилмаган қоғоздек оптоқ бола қалбимизга сингган бу каби ўғитлар ўз вақтида баайни қонун эди.

Мактабга эндигина борганимизда биринчи ўқитувчимиз ёзишни, оққорани танитади. Ушанда барчамизга ўқитувчимизнинг гаплари худди қонундай туюларди. Эҳтимол, шунинг учундир, биринчи ўқитувчимнинг насихати ёдимдан чиқмайди, йиллар ўтиб, ўзимнинг

ахлоқ қонунимга айланди. Биз, қизлар ёшлигимиздан онамизга ўхшашга ҳаракат қиламиз. Оила даврасида бирорта ноҳўя гап гапириб қўйсақ ёки ярашмаган қилиқ қилсақ, онамиз бизга қараб, қовоғини уйиб, бир ишора қилса, шу пайтнинг ўзида қилмишимиз нотўғри эканини

билишимиз. Балки ана ўша тарбия бизни йиллар ўтса ҳам, бир гапни гапиришдан, бир ишни қилишдан олдин, ота-онам хафа бўлмасмикин, дея ўйлашга, андиша қилишга ўргатгандир.

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир. Ёшлиқда берилган ўринли тарбия ҳам худди шундай.

Баъзан кўча-кўйда айрим қизларнинг галати, очиқ-сочиқ кийинганини кўриб, уларга ачинасан, киши. Наҳотки, уларга ота-онаси, оиладаги катталар индашмаса, тўғри йўлга солишмаса?

Лекин шундай оилалар ҳам кўп: уларда камол топаётган фарзандларга ҳавасинг келади. Ёки шундай оилаларни биламан, она фарзандини бир-бирининг олдидан изза қил-

май, биргина қовоғини уйиб, имо-ишора билангина огоҳлантиради, ёмон, куракда турмайдиган гаплар билан ҳақорат қилмайди. Полвоним, бобонгни қара, қандай буюк инсон бўлган, она қизим, момонгга ўхшасанг бўлмайдим, деб танбеҳ беришади. Ёки шундай тарбияли қизлар борки, уни мақтасангиз ёки танбеҳ берсангиз, юзлари уятдан қизаради. Бу ҳам асл миллий қадрият, шарқона тарбиядан эмасми?!

Кўнглимизни ғурурга тўлдирадиган ана шу уят ва андиша қизларимизга ҳар доим зеб бериб турса, дейман.

Дилрабо РАШИДОВА,
Термиз давлат университети талабаси

Ер шари модели	Кўз ёши	Термин	Туркия пойтахти	Уруш-жанжал
Пойтахти Мадрид	Шак-шубҳасиз	Туркия	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал
Пул (шевада)	Лавха, эпизод	Укубат	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал
Дарё, Жан. Америка	Увол	Сув йўли	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал
Нўноқ, лапа-шанг	Теннис «раунд»и	Ариф-метик сон	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал
Бурж номи	«... ва Маргарита» (асар)	Вир ва... (кино)	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал
Калин кийим	Шеърнинг турт мисрали алоҳида бўлаги	Туман, Жиззах вилояти	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал
Катод акси	Билиб туриб, журттага	Ботқоқ «бул-бул»и	Уруш-жанжал	Уруш-жанжал

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Рио де-Жанейро, Волгоград ва Сайхунобод. Ушбу географик номларни боғлаб турадиган жиҳат нима?

Жавобингизни 28 январь соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Юсуф Хос Ҳожининг «Кутадғу билиг» асари бош қаҳрамони Ўғулмиш ақл (оқиллик) ва билим (билимлилик) рамзидир.

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Сурхондарё вилояти Денов туманидан Шавкат Эргашев йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Улуғ одам кичик одамнинг сўхбати билан кичик бўлмайди, балки кичик одам улуғ инсон хизматида улуғ бўлади.

Абу Бакр Хоразмий

